

ЎЗБЕК ТИЛИ МАҚОЛЛАРИДА МАҚТОВНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Кадирова Дилфуза Алишеровна

ҚДПИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7471615>

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек тилшунослигидаги мақтовга оид мақоллар жамланган бўлиб, уларни мазмун ва моҳиятига кўра ёритилган.

Калит сўзлар: мақол, парема, ибора, тасвирий ифода, халқ оғзаки ижоди

Мақол деб халқнинг ижтимоий-тарихий, ҳаётий-маиший тажрибаси умумлашган бадиий, образли мулоҳазалардан иборат ҳикматли сўзларга айтилади. Мақол атамаси арабча – қавлун – гапирмок, айтмок сўзидан олинган.¹

Мақолларда авлод-аждодларнинг ҳаётий тажрибалари, жамиятга муносабати, тарихи, руҳий ҳолати, этик ва эстетик туйғулари, ижобий фазилятлари мужассамлашган.

Асрлар мобайнида халқ орасида сайқалланиб, ихчам ва содда поэтик шаклга келган.

Мақоллар мавзу жиҳатдан ниҳоятда бой ва хилма-хил. Ватан, меҳнат, илм-ҳунар, дўстлик, аҳиллик, донолик, хушёрлик, тил ва нутқ маданияти, севги ва мухаббат каби мавзуларда, шунингдек, салбий хислатлар хусусида ранг-баранг мақоллар яратилган.

Туркий халқларнинг мақолларидан намуналар дастлаб мақол Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида келтирилган. Бу мақолларнинг бир қанчаси ҳозир ҳам ўзбек халқи орасида турли вариантларда ишлатилади.

Мақолларда тасвирий ифода воситаларидан фойдаланилганда, матннинг бадиий-эстетик таъсирчанлик функцияси ортади. Ўзбек мақоллари нутқда фаоллашганда, нутқ жараёнини гўзаллаштиради, образли ифода тингловчида ўзига хос бадиий завқ пайдо қилади.

Халқ донолигининг образли ифодаси - мақоллар мураккаб поэтик бутунлик бўлиб, бир неча компонентларнинг узвий бирикмасидан ташкил топади. Мақолга хос образларни халқ атрофидаги борлиқ ҳодисалар, реал ҳаёт воқеаларидан олиб яратганлиги жиҳатидан улар ўзига хос миллийдир.

¹ http://turizm.kasaba.uz/uz/uzbek_legends_and_mythes/maqollar

Асарлар давомида оғиздан-оғизга ўтиб келган мақоллар халқимизнинг дунёқараши, жамиятга бўлган муносабати, тарихи ва руҳий ҳолатини ифодалайди.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди мақолга бой. Ўзбек тили паремалари сирасида мақтовга доир мақоллар ҳам салмоқли ўрин тутаяди.

Мақтовга оид паремалар мазмун-моҳиятига кўра қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1) Гўзаллик ҳақида мақоллар. Гўзалликнинг ўзбек маданиятида муҳимлигини ифодаловчи мақоллар гуруҳи инсоннинг ташқи кўринишини мадҳ этади.

Мақтовга оид паремияларнинг кўпида инсон гўзаллиги ҳақида мақоллар келтирилган. Улар шулар жумласидандир:

“Одамнинг юзи қуёшни уялтирар”,

“Ок кўнгилликнинг юзи кўркам”,

“Ақлли хотин — уй кўрки,

Чиройли хотин — кўча кўрки.

Чирой хусн-у жамолда эмас, фазл-у камолда”, “Чиройга нон ботириб еб бўлмас”,

“Яхши қиз — ёқадаги кундуз,

Яхши йигит — кўкдаги юлдуз.

Яхши қомат — ярим омад”, “Яхши хусн — ярим бахт”, “Яхшининг юзи офтобни илитар”, “Яхшининг юзида зулук ҳам хол бўлиб кўринар”

“Сўз кўрки — мақол,

Гузар кўрки — баққол,

Йигит кўрки — соқол”;²

2) Камтарлик ҳақида мақоллар: “Камтарлик ҳам хусн”, Супурги ернинг хусни, Камтарлик — эрнинг; Хушхулқлик — жамол, Камтарлик — камол;

“Камтар бўлдинг - гавҳар бўлдинг”;

3) Одоб ҳақида мақоллар:

Мазкур туркумга мансуб айрим мақолларда одоб, камтарлик каби ижодий хислатларка оид мисоллар кузатилинади:

“Бола — азиз, одоби ундан азиз”,

“Инсон — одоби билан, Осмон — офтоби билан”,

“Одоб — кишининг зеб-у зийнати”,

“Одоб — олтидан қиммат”,

² Бу ва бундан кейинги мисоллар қуйидаги манбадан олинган Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Мусоқулов А. Ўзбек халқ мақоллари. — Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1989. 512 б.

“Одобли бола элга манзур”,

“Онаси мақтаган қизни олма, Янгаси мақтаган қиздан қолма”,

“Сўз кишининг — ўзаги, Одоб кишининг — безаги”,

“Яхши хулқ — кишининг хусни”,

“Хусн хулқи билан чиройли”,

“Хусн хусн эмас, одоб хусн”;

4) Яхши сўз ҳақида мақоллар:

“Тил бор-бол келтирар”,

“Яхши хотин-умр боли”,

“Тилингда бўлса болинг, кулиб турар иқболинг”,

“Бир ширин сўз битказар, Минг кўнгилнинг ярасин”,

“Тил - ақл безаги”, “Ширин сўз шакардан ширин”,

“Ширин сўз ўликни ҳам тирилтирар”,

“Ширин юзингдан ширин сўзинг аъло”;

5) Тозаликни ҳақида мақоллар:

“Аёлнинг сариштаси -

Рўзғорнинг фариштаси”;

6) Илм, касб-ҳунар ҳақида мақоллар: “Гўзаллик - илм-у маърифатда”,

“Йигит хусни - ҳунар”,

“Етмиш гўзалликнинг биттаси — меҳнат”,

“Инсон қўли — гул”;

7) Адолат, инсоф ҳақида мақоллар:

“Одил киши ойдаи, Оқиб турган сойдаи”;

8) Мардлик ҳақида мақоллар:

“Мардлик - кишининг хусни”,

“Мардни мақтамасанг ҳам - мард, Номардни мақтасанг ҳам - дард”;

9) Донолик ҳақида мақоллар: “Аёлнинг хусни пардозда эмас, ақлида”,

“Ақл-фаросат - нисби каромат”,

“Ақлдан ортиқ бойлик йўқ”;

Меҳнатсеварлик ҳақида мақоллар:

“Дарахт япроғи билан кўркам, Одам - меҳнати билан”,

“Иш - инсоннинг гавҳари”,

“Одамнинг қўли - гул”,

“Одамнинг хусни - меҳнатда”;

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Мусоқулов А. Ўзбек халқ мақоллари. – Т.: Адабиёт ва санъат нашр., 1989. 512 б.
2. Абдураҳмонов Х. Мақол ва маталларда такрор компонентларнинг қўлланиши// Ўзбек ва адабиёти. – 1974.-№3.-Б.60-63;
3. Ўринбоев Б. Ўзбек халқ мақолларида трансформациялаш// Ўзбек тилшунослиги масалалари. – Самарқанд, 2001, 38-42 б.;
4. http://turizm.kasaba.uz/uz/uzbek_legends_and_mythes/maqollar
5. Yakubovna, Usarova Nilufar. "FEATURES OF TEACHING LEXICAL SKILLS IN THE CLASSROOM." INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INT
6. Sodiqova, S. T. "INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI O'XSHATISH ETALONLARI VA ULARNING LINGVOMADANIY XUSUSIYATLARI." Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences 2.5 (2022): 1123-1128.
7. Xoshimova, Dilso'z Rasuljon Qizi. "ALLYUZIYA VA INTERTEKSTUALLIK LINGVISTIK TUSHUNCHALARINING OZARO BOG'LANISHI." Academic research in educational sciences 2.4 (2021)
8. Ismailova, Hilola Inomovna. "LINGO CULTURAL FEATURES OF EUPHEMISMS OF ENGLISH, RUSSIAN AND UZBEK LANGUAGES." Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal 2022.3 (2022): 152-161.
9. Аҳмадалиевна, Ҳайдарова Гулҳаё. "СОБИР АБДУЛЛА, ЧАРХИЙ ВА ҲАБИБИЙ ҒАЗАЛИЁТИНИНГ ВАЗН ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР." Conferencea (2022): 47-49.
10. Аҳмадалиевна, Ҳайдарова Гулҳаё. "НАВОИЙ ВА СОБИР АБДУЛЛА." ALISHER NAVOIY XALQARO JURNALI 1.2 (2021).